

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

САИПНАЗАРОВ ШЕРБЕК ШАЙЛАВБЕКОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯВИЙ
ИНЖИНИРИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Саипназаров Шербек Шайлавбекович

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини
ривожлантиришда молиявий инжинирингдан фойдаланиш йўллари..... 3

Саипназаров Шербек Шайлавбекович

Пути использования финансового инжиниринга в развитии
деятельности коммерческих банков на рынке ценных бумаг.....

Saipnazarov Sherbek Shaylavbekovich

Ways to use financial engineering in the development of commercial banks
at the securities market.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

САИПНАЗАРОВ ШЕРБЕК ШАЙЛАВБЕКОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯВИЙ
ИНЖИНИРИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2019.3.PhD/Iqt.1115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsuc.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирзаев Фарҳод Исамович**
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Ғуломов Саидахроп Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» 12 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1012 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «1» 12 куни тарқатилди.

(2020 йил «1» 12 даги 32 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро банк тизимида операциялар орқали олинувчи даромад манбаини асосий улуши қимматли қоғозлар бозори орқали келади. Бунинг асосий омили сифатида жаҳон молия бозорида янги концепция молиявий инжиниринг концепциясини кенг қўллаш орқали банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини оширишга эришилганлиги билан баҳолаш мумкин. Жаҳон амалиётида банкларнинг қимматли қоғозлар бозори орқали топаётган даромадлари йилдан-йилга ўсиш тенденциясини сақлаб қолган. 2019 йил якунига кўра ривожланган давлатларнинг банк тизимидаги даромад манбаининг 65 %ини (АҚШ 68 %, Германия 62 %, Япония 75 %, Канада 69 %, Италия 61 %, Франция 68 %), ривожланаётган давлатларда Хитой 54 %, Россия 43 %, Бразилия 51 %, Ҳиндистон 41 %ни ташкил этади. Марказий Осиё давлатларида Қозоғистон 17 %, Тожикистон 5 %, Қирғизистон 4 %ни ташкил этса, республикамиз банк тизимида 7-8 % атрофида қимматли қоғозлар бозори орқали даромад топилади¹.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирокини кенгайтириш, улар орқали оладиган даромадини ошириш масаласини долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳолат, ривожланаётган давлатларнинг жаҳон банк бозорида ўз ўрнини эгаллашда банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги илмий ёндашувларга катта эътибор қаратиш заруратини келтириб чиқармоқда. Хусусан, жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан кейин ҳар бир давлат банклари фаолиятини таҳлил қилишда банк бозорида молиявий инжиниринг тизимини яратиш борасидаги илмий тадқиқотлар олиб бориш, мамлакат банк тизими даромадини оширишга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда банк тизимидаги муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишда тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ этишга қаратилган «...банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий этиш, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, банк кассаларига нақд пул тушумини рағбатлантириш, кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш»² сингари муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-

¹ <https://www.vestifinance.ru/articles/123002>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида асосан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 117-124 бандлари. –www.lex.uz

сонли «Валюта сийсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молия инжинирингининг методологик асослари ва амалиёти ҳамда банклар фаолиятида қимматли қоғозлар бозори орқали қўллаш масалалари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар илмий ишларида кўрилиб тадқиқ қилинган. Жумладан, F.Black, M.Sholes, K.Cuthertson, D.Nitzsche, J.D.Finnerty³ни келтириб ўтиш мумкин. Таниқли рус олимларидан В.А.Чернов, Б.М.Рапорто, А.И.Субченко, Дж.Ф.Маршалл, В.К.Бансал, И.А.Бланк, В.В.Бочаров, М.Н.Бродский, Г.М.Бродский, Р.У.Колб, З.Воробьеванинг ишларида молиявий инжиниринг назарий асослари ва уларни қўллаш методологияси тадқиқ этилган⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ф.Мирзаев, Ш.Давронов ишларида⁵, молиявий инжиниринг концепциясини ёритишда Ш.Ш.Шоҳазамийнинг фундаментал ишларини⁶ асос қилиб олиш мумкин,

³ Black F., Sholes M. The pricing of options and corporate liabilities / the journal of political economy. – 1973. V81, №3. –p 637-654; Cuthertson K., Nitzsche D. Financial Engineering. Derivatives and Risk management. – N.Y. John Wiley Sons, 2001, -P 40-45.; Finnerty J.D. Financial engineering in corporate finance: An overview, financial management. p 14-33, winter 1988.

⁴ Чернов В.А. Финансовая политика предприятия: учебное пособие для ВУЗов (под ред. Проф. М.И.Баканова. – М.: Юнити-дана, 2003. 247 стр. С 231.; Рапорто Б.М., Субченко А.И. Инжиниринг и моделирование бизнеса. – М.: Тандем, 2001. 347 с.; Маршалл Дж.Ф. Бансал В.К. Финансовая инженерия. Полное руководство по финансовым нововведениям. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 1998. -784 с.; Бланк И.А. Словарь справочник финансового менеджера. –Киев. Ника-центр; Эльга, 1998. -549 с.; Бочаров В.В. Финансовый инжиниринг. – СПб.: Питер, 2004. - 400с.; Бродский М.Н., Бродский Г.М. Право и экономика: инвестиционное консультирование. – Санкт-Петербург: Консалт, 1999. - С. 444.; Колб Р.У. Финансовые деривативы. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – С.274-275.; Воробьева З. Финансовый инжиниринг на рынке облигаций. Сборник научных трудов. – М.: НГУ, 2002. – С.419-421.

⁵ Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. 160 б.

⁶ Шоҳазамий Ш.Ш. Основы финансового инжиниринга. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005.-264 с.; Финансовый инжиниринг: основы теории, мировой опыт и концепция развития. //Молия. Т., 2008 г. №1, - С. 9-16.

лекин ҳозиргача улар асосида банкларда молия инжинирингининг халқаро амалиётини қўллаш масаласи алоҳида мустақил диссертацион тадқиқот сифатида амалга оширилмаганлиги ва тизимли молия инжинирингини чуқурроқ ўрганиш зарурати диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши банк-молия академияси «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжинирингдан фойдаланиш йўллари тақомиллаштириш юзасидан илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

молия инжиниринг концепциясини иқтисодий мазмуни ва назарий асосларини чуқур таҳлил қилиш;

молия инжинирингининг жаҳон амалиётидаги концептуал йўналишларини ўрганиш;

хорижий банкларнинг молия инжиниринги маҳсулотлари ва ривожлантириш тенденцияларини тадқиқ этиш;

республикамиз тижорат банкларини қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини таҳлил қилиш;

тижорат банкларини қимматли қоғозлар бозорида инновацион-брокерлик фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

молиявий инжиниринг концепцияси асосида инновацион банк маҳсулотларидан фойдаланиш амалиётини тақомиллаштириш бўйича илмий таклифлар бериш;

молия инжиниринги концепцияси асосида тижорат банкларини қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш мақсадида молиявий инжинирингдан самарали фойдаланишда юзага келувчи молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, эконометрик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларидаги молиявий инструментларни комбинациялаш ёки декомпозициялаш орқали янги ишлаб чиқилган банк маҳсулотларини сотишда “мижозларнинг содиқлиги” моделидан фойдаланиш таклифи асосланган;

молиявий инжиниринг концепцияси асосида “банк маҳсулотларини рақамлаштириш” орқали яратилган инновацион маҳсулотлар ҳисобига масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш таклиф этилган;

банк фаолиятининг даромадлилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида молиявий инжиниринг концепциясини мувозанатланган кредит портфели “таваккалчилик-даромадлилик” дилеммасидан фойдаланиш таклиф этилган;

банкни қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжиниринг концепцияси маҳсулоти “янги ғоя – янги маҳсулот – янги хизмат” тизимини жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тижорат банки молиявий инжиниринг концепцияси орқали мижозларни банкка кенг жалб этишнинг “Мижозлар содиқлиги” модели ишлаб чиқилган;

молиявий инжиниринг концепцияси асосида яратилган инновация маҳсулоти “Банк маҳсулотларини рақамлаштириш” орқали масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш таклиф этилган;

банкнинг чакана бозордаги фаолиятини ривожлантиришда юқори технологик “Кобейдж карта”сидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

банк фаолияти даромадлилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида молиявий инжиниринг концепциясини мувозанатланган кредит портфели “Таваккалчилик-даромадлилик” дилеммасидан фойдаланиш таклиф этилган;

банкни қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжиниринг концепцияси маҳсулоти “янги ғоя – янги маҳсулот – янги хизмат” тизимини жорий этиш таклиф этилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг молиявий инжиниринг концепцияси орқали банк фаолиятини тизимли бошқариш концепциялари ва уларнинг банк фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни, илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, банклар қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини молиявий инжиниринг концепцияси орқали ривожлантиришда илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан молиявий инжиниринг концепцияси орқали банк фаолиятини тизимли бошқариш, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини молиявий инжиниринг концепцияси орқали ривожлантириш, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори орқали оладиган даромадини ошириш, жаҳон фонд биржасида иштирок этишда қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш; Базель III талабларини босқичма-босқич бажариш ва унга мослашиш; тижорат банклари

фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқ белгилаш; янги банк маҳсулотлари асосида банкларнинг бозорда устунлигини таъминлаш каби илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республика тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини молиявий инжиниринг концепцияси орқали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжинирингдан фойдаланиш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банки молиявий инжиниринг концепцияси маҳсулоти “Мижозларнинг содиқлиги” модели асосида мижозларни банкка кенг жалб этиш бўйича таклифи “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил учун кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 17 февралдаги 03/752-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тижорат банкининг 2018 йил якунига кўра мижозлар сони 382 202 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан юридик шахслар, ЯТТ ва омонатчилар сонининг 13,5 фоизга ошишига эришилган;

молиявий инжиниринг концепцияси асосида яратилган инновация маҳсулоти “Банк маҳсулотларини рақамлаштириш” орқали масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифи “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки томонидан 2018 йилдан буён инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилмоқда (2020 йил 17 февралдаги 03/752-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2018 йилда 5 882 та юридик шахсни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 938 тага ёки 19 фоизга кўпайган;

банк фаолиятининг даромадлилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида молиявий инжиниринг концепциясининг мувозанатланган кредит портфели “Таваккалчилик-даромадлилик” дилеммасидан фойдаланиш бўйича таклифи “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки ҳамда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2018 йил учун кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (2020 йил 17 февралдаги 03/752-сон ҳамда ХАБ “Трастбанк”нинг 2020 йил 6 мартдаги 01-33/737-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши орқали 2018 йилдаги кредит портфелини диверсификациялаш сиёсати натижасида тармоқлар кесимида битта соҳага берилган кредитлар миқдори 2017 йилга нисбатан АТ “Алоқабанк” да 28 %дан, ХАБ “Трастбанк”да 35 %дан ошиб кетмаслигига эришилган;

банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжиниринг концепцияси маҳсулоти “янги ғоя – янги маҳсулот – янги хизмат” тизимини жорий этиш таклифидан “Алоқабанк” акциядорлик

тижорат банки ҳамда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан 2019 йилдан буён инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилмоқда (2020 йил 17 февралдаги 03/752-сон ҳамда ХАБ “Трастбанк”нинг 2020 йил 6 мартдаги 01-33/737-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қимматли қоғозлар бозорида бирламчи акцияларини жойлаштириш мақсадида АТ “Алоқабанк” 2018 йилда 5 334 145 453 та оддий акция муомалага чиқариб, устав капитал ҳажми 645,4 млрд. сўмга кўпайган ва 883,9 млрд. сўмга етган, ХАБ “Трастбанк” 2019 йилда 60 000 000 та оддий акция муомалага чиқариб, фоизли даромадлари ҳажми 194,5 млн. сўмга кўпайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниш. Диссертация иши натижалари жами 4 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 3 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Молия инжинирингининг назарий ва концептуал асослари**” деб номланиб бунда, молия инжинирингининг иқтисодий мазмуни ва назарий асослари, молия инжинирингининг жаҳон амалиётидаги концептуал йўналишлари ҳамда хорижий банклар амалиётида молия инжиниринги маҳсулотлари ва ривожланиш тенденциялари кенг таҳлил қилинган.

Биринчи бобда кўплаб олимларнинг молиявий инжиниринг тушунчасига берган таърифларининг иқтисодий моҳияти чуқур таҳлил қилиб берилган. Қатор иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларида молия инжиниринги деганда банклар томонидан кўрсатилувчи молиявий хизматларнинг сони ва сифатини ошириш, тижорат банкининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини берувчи тадбирлар мажмуи тушунилади. Бунда банкларда молия инжинирингининг бош мақсади – инновацион банк маҳсулотларини яратиш ва такомиллаштириш йўли билан кўшимча фойда олиш бўлиб, инновацион банк маҳсулотларида риск, даромадлилик ва ликвидлилик ўртасидаги оптимал нисбат таъминланиши керак, деб ҳисобланган.

Роберт Колбнинг фикрича, молия инжиниринги – арбитраж имкониятларини яратиш учун рискларни бошқаришга қаратилган мукаммал муаммоларни ҳал этишда мукаммал молиявий маҳсулотларни яратиш билан бирга молиявий инструментлар стандартлари комбинациясида молиявий деривативларни қўллаш. Молия инжинирингининг энг содда таърифи Yahoo Интернет-сайти луғатида қуйидагича берилган: “Молия инжиниринги – янги молиявий маҳсулот яратиш учун мавжуд молиявий инструментларни комбинациялаш ёки декомпозициялаш”. Шу билан бирга, мазкур тушунчалар таърифида молия инжинирингини рискларни бошқариш мазмунининг синоними сифатида ўрганиш мумкинлиги боис тўлиқ ҳисобланмайди.

The Global Economy (США, Бостон, 1998 йил) халқаро иқтисодий анжуманида молия инжиниринги инвесторларга рискларни янада самарали бошқаришда кўмаклашувчи, уларни молия бозорларида кенгрок диверсификация қилинишини таъминловчи, табиати номаълум янги инструментлар ва техникасини яратувчи сифатида эътироф этилган. Роберт Кохнинг фикрича, молия инжиниринги компаниянинг бозор қийматини ошириш учун молиявий инструментлардан ақлан тўғри фойдаланиб, компанияни стратегик ёки ишлаб чиқариш фаолияти ёрдамида эмас, балки

молиявий жиҳатдан ривожлантиришдир. Ф. Мишкин, молия инжинирингини “янги молиявий хизматлар ва молиявий маҳсулотлар яратиш жараёни” сифатида ўрганиб, молиявий инновацияларнинг қуйидаги учта асосий турини ажратади:

омиллар ўзгаришига жавоб сифатида пайдо бўлувчи, талабни аниқловчи инновацион татбиқлар;

омилларни ўзгаришига жавоб сифатида пайдо бўлувчи, таклифни аниқловчи инновацион татбиқлар;

қонунчиликни заифлаштиришга қаратилган инновацион татбиқлар.

Мазкур тушунча молия инжинирингини инновациядан тобе категорияга айлантиради, бу ёндашув бир томондан тўғри, чунки авваламбор маълум молиявий инновацияларга талаб пайдо бўлади, кейинчалик молия инженерлари ўз назарий билим ва амалий кўникмалари асосида янги молиявий маҳсулот ва хизматларни яратадилар.

Иккинчи томондан, ушбу тушунча таърифи тўлиқ бўла олмайди. Чунки молия инженерлари нафақат янги молия инструментларнинг яратувчилари сифатида, балки улар инновациялар учун замин яратувчилар сифатида хизмат қилишлари даркор.

Айрим тадқиқотчилар молия инжиниринги – банк бизнесининг стратегияси бўлиб, молиявий инструментлар ва молиявий технологияларни ишлаб чиқиш йўли билан ички ва ташқи муҳитнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ва бўлғуси мижозларнинг эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга қаратилган бўлиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бунда банкларда молия инжинирингининг 3 тури мавжудлиги эътироф этилади: жорий молия инжиниринги; ривожланиш молия инжиниринги; инқирозли молия инжиниринги.

Банкларда молия инжиниринги деганда банк ва мижознинг манфаатларига мос келувчи турли ҳилдаги банк маҳсулотлари билан мижозларни молиявий таъминлаш ҳамда янги молиявий инструментлар ва молиявий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мавжуд инструмент ва технологиялар ёрдамида молиявий муаммолар ҳал этиш учун янги ёндашувларни ижодий қидириб топиш.

Бу ўринда жорий молия инжиниринги банкнинг мавжуд мижозлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги таъкидланади. Ривожланиш молия инжиниринги банкнинг бўлғуси мижозларига йўналтирилган ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган.

Қатор иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларида молия инжиниринги деганда банклар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг сони ва сифатини ошириш, тижорат банкининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини берувчи тадбирлар мажмуи тушунилади. Бунда банкларда молия инжинирингининг бош мақсади инновацион банк маҳсулотларини яратиш ва такомиллаштириш йўли билан қўшимча фойда олиш бўлиб, инновацион банк маҳсулотларида риск, даромадликлик ва ликвидлилик ўртасидаги оптимал нисбат таъминланиши

керак, деб ҳисобланади. Масалан, Г.С. Панованинг фикрича, молия инжиниринги банкларда, биринчи навбатда, уларнинг депозит базаси етарлилигини таъминлаш имконини бериши лозим. Ю.С. Масленченковнинг фикрига кўра, банкларда молия инжиниринги деганда банк ва мижознинг манфаатларига мос келувчи турли хилдаги банк маҳсулотлари билан мижозларни молиявий таъминлаш тушунилади.

А.Н. Морознинг фикрига кўра, молия инжиниринги – янги молиявий инструментлар ва молиявий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда мавжуд инструмент ва технологиялар ёрдамида мавжуд молиявий муаммолар ҳал этиш учун янги ёндашувларни ижодий қидириб топишдир.

Н.А. Лунякованинг фикрича, “Молия инжиниринги – банк бизнесининг стратегияси бўлиб, молиявий инструментлар ва молиявий технологияларни ишлаб чиқиш йўли билан ички ва ташқи муҳитнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ва бўлғуси мижозларнинг эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга қаратилган”. Бунда банкларда молия инжинирингининг 3 тури мавдужлиги эътироф этилади:

- жорий молия инжиниринги;
- ривожланиш молия инжиниринги;
- инқирозли молия инжиниринги.

Бу ўринда жорий молия инжиниринги банкнинг мавжуд мижозлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги таъкидланади.

Ривожланиш молия инжиниринги банкнинг бўлғуси мижозларига йўналтирилган ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган. Инқирозли молия инжинирингида банк хизматларининг рақобатбардошлиги пасайганда, хизматларнинг сифати мижозлар эҳтиёжларини қондира олмай қолган тақдирда қўлланилади.

Муаллифнинг фикрича, Н. Луняковнинг банклар молия инжинирингига берган таърифи юқорида эътироф этилган бошқа таърифларга нисбатан мукамалроқ ҳисобланади. Аммо бу таърифда икки муҳим жиҳат эътибордан четда қолган. Биринчиси – мавжуд банк маҳсулотлари сифатини ошириш, иккинчиси эса – рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштиришдир. Муаллифнинг фикрича, “молия инжиниринги” билан “молиявий инновациялар” тушунчаларини бир-биридан ажратиш шартлидир. Чунки иккала концепция ҳам ўз маъносига кўра инновацияларни яратиш ва жорий этишда молиявий фаолиятнинг ижодий ёндашувига асосланган жараён ҳисобланади, демак улар мазмун-моҳиятининг ўзаро қарама-қаршилиги мавжуд эмас.

Юқорида билдирилган фикрларни қиёсий ва танқидий ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда, банк молия инжинирингини куйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ: Банклар молия инжиниринги – банк мижозлари эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш ва банкнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида янги инновацион банк маҳсулотларини яратиш ва амалиётга жорий этиш, мавжуд маҳсулотлар

сифатини ошириш ҳамда банк фаолиятидаги рискларни самарали бошқаришдан иборат.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки ва амалиётининг таҳлили**” деб номланган. Мазкур бобда республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти таҳлил қилинган, тижорат банкларини қимматли қоғозлар бозорида инновацион-брокерлик фаолиятини ривожлантириш масалалари ҳамда молиявий инжиниринг концепцияси асосида инновацион банк маҳсулотларидан фойдаланиш амалиёти ҳамда тижорат банкларида молия инжиниринг орқали янги банк маҳсулотларини татбиқ этиш масалалари таҳлил қилинган.

Республикамизда фаолият юритаётган фонд биржаси таҳлил қилинса, ўтган давр мобайнида фонд биржасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш ва қимматли қоғозлар савдосини кенг миқёсда ташкил этиш ҳамда юқори салоҳиятли инвесторлар, биринчи навбатда, хорижий инвесторларни молия бозорига кенг жалб этиш мақсадида муайян ишлар олиб борилган.

2017 йилда биржа фаолиятида сезиларли жонланиш кузатилиб, савдо айланмасининг умумий ҳажми 298,6 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2016 йил савдо айланмасига (299,8 млрд. сўм) нисбатан юқори ўсиш тенденциясини кўрсатди (1-расм). 2018 йилда ушбу кўрсаткич 687,3 млрд. сўмни ташкил этган. Ўтган йилларга нисбатан сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин.




1-расм. 2013-2018 йиллар биржа савдо айланмаси динамикаси (млрд сўм)⁷

Республикамизда жами чиқарилган акциялар 6,3 трлн. дона бўлиб, номинал баҳоси 59,4 трлн. сўмни ташкил этган. 2018 йилда жами чиқарилган акциялар сони 1,98 трлн. ташкил этиб, бозорнинг умумий айланма маблағи 10,71 трлн. сўмни ташкил этган. 2017 йилга нисбатан 2,07 марта кам бўлган. 2018 йилда ташкил этилган бозорда 14045 та, яъни 815,04 млрд. сўмлик келишувлар амалга оширилган бўлиб, шунинг 14039 таси акциялар, 6 таси корпоратив облигациялар орқали амалга оширилган. 2018 йилда қимматли қоғозлар марказий депозитарияси ва инвестиция воситачилари орқали 5743 та

⁷Манба: www.uzse.uz сайти маълумотлари

акция ва корпоратив облигацияларга 9,89 трлн. сўмлик келишувлар амалга оширилган⁸.

Иккиламчи бозорда акция ва облигацияларнинг умумий айланма маблағи 1 704,4 млрд. сўмни ташкил этган. Акцияларнинг иккиламчи бозорида жисмоний шахслар билан амалга оширилган савдо умумий савдонинг 734,73 млрд. сўми ёки 45,38 % ни ташкил этган. 2018 йилда бозор иштирокчиларининг умумий сони 138 тани ташкил этган⁹. Гарчи фонд биржаси савдо айланмасида сўнгги йилларда маълум даражада ўсиш кузатилаётган бўлса-да, қimmatли қоғозларга талаб ва таклифларнинг бир ерда жамланиши етарли даражада, деб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, қimmatли қоғозларнинг юқори ликвидлилигини ошириш ҳамда акция қийматини тўғри аниқлаш имкониятини бермайди. Бундан ташқари брокерлик фаолиятини ривожлантириш орқали фонд биржасида савдо ҳажмини ошириш муҳим саналади.



2-расм. Тижорат банкларини “Тошкент” Республика фонд биржаси умумий айланмасидаги улуши (фоизда)¹⁰

“Тошкент” Республика фонд биржаси умумий айланмасида турли соҳалар айланмаси таркибида банкларнинг улуши юқориликча қолмоқда. 2018 йил якунига кўра, умумий айланманинг 610,3 млрд. сўмини ташкил этиб, иштирокчилардаги улуши 86,2 % га етган.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг қimmatли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда давлат улуши бўлган тижорат банкларини корхоналар, институционал инвесторлар ва хорижий инвесторларга сотиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида банк акциялари олди-сотдиси

⁸<https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/4502-igor-butikov-rynok-tsennykh-bumag-uzbekistana-novye-gorizonty>

⁹ <https://www.uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/058/original/2019>

¹⁰ https://www.uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/058/original/2018_итоги.pdf1556601351

ривожланади, банк тизимида давлат улуши камаяди ва рақобат ошади. Бундай усуллардан бири тижорат банклари республикамизда хусусийлаштиришнинг IPO усулида фаол иштирок этиши лозим. Тижорат банклари ўз ресурс базасини мустаҳкамлаши учун депозит сертификатлари ва корпоратив облигациялар эмиссияси ҳажмини ҳам ошириши зарур.

Қимматли қоғозлар бозорининг барча қатнашчилари орасида тижорат банклари шу билан фарқланадики, улар бир вақтнинг ўзида қимматли қоғозлар бозорининг қонунчилик билан рухсат берилган деярли барча молиявий воситаларида: акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва векселларда эмитентлар сифатида қатнашиши мумкин.

Республикамиз ўрта банкларидан бири сифатида фаолият олиб бораётган АТ “Алоқабанк” таҳлил қилинса, банкнинг молиявий натижалари ўтган йилларга нисбатан ўзгаришини кузатиш мумкин.

1-жадвал

АТ “Алоқабанк”нинг 2015-2018 йилларда активлар, мажбуриятлар ва капиталининг улуши ва динамикаси (31 декабрь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)

№	Активлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Кассадаги нақд пуллар	1,4	3,5	1,7
2.	Марказий банкдан олинадиган маблағлар	14,2	22,2	7,9
3.	Бошқа банклардан олинадиган маблағлар – резидент	8,6	9,6	6,5
4.	Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	0,9	0,3	0,4
5.	Кредит қўйилмалар	70,0	58,3	81,1
6.	Асосий воситалар	4,3	2,3	1,4
7.	Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	0,1	0,1	0,2
8.	Банкнинг бошқа мулклари	0,2	0,0	0,0
9.	Бошқа активлар	0,4	3,6	0,8
10.	Жами активлар	100,0	100,0	100,0
11.	Депозитлар	67,7	81,0	74,6
12.	Марказий банкка тўланувчи маблағлар	0,0	0,0	0,0
13.	Бошқа банкларка тўланувчи маблағлар – резидент	17,0	13,5	19,5
14.	Бошқа банкларга тўланувчи маблағлар – норезидент	0,0	0,0	0,0
15.	Тўланувчи кредит ва лизинг	2,1	4,9	4,8
16.	Муомалага чиқарилувчи қимматли қоғозлар	0,0	0,0	0,0
17.	Тўланувчи ҳисобланган фоизлар	0,1	0,1	0,1
18.	Бошқа мажбуриятлар	13,1	0,5	1,0
19.	Жами мажбуриятлар	100,0	100,0	100,0
20.	Устав капитали	54,5	59,9	76,0
21.	Қўшилган капитал	1,8	1,0	0,3
22.	Захира капитали	26,1	26,3	10,0
23.	Тақсимланмаган фойда	17,6	12,8	13,7
24.	Жами капитал	100,0	100,0	100,0

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АТ “Алоқабанк”нинг 2016-2018 йиллардаги банкнинг кредит қўйилмалари муттасил ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2016 йилда бу кўрсаткич жами активлари таркибидаги улуши 70 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 81,1 %га етган ёки таҳлил қилинган давр мобайнида 11,1 пунктга ортган. Банкнинг депозитлари таҳлил қилинаётган даврда кескин тебраниш ҳолатига эга бўлган. Масалан, банкнинг депозитлари жами мажбуриятлар таркибида 2016 йилда 67,7 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2017 йилда 81 %га етган ёки шу даврда 13,3 пунктга ошган, бироқ 2018 йилга келганда 74,6 %ни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 6,4 пунктга пасайган.

АТ “Алоқабанк”нинг активлари таркибида “инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар”га қилинган инвестициялар улуши 2016 йилда 0,9 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, 0,4 % ёки 0,5 пунктга пасайган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро банк амалиётида тижорат банклари активлари таркибида мазкур манбанинг улуши 10 %дан 20 %гачани ташкил этади¹¹. Банкнинг муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ҳисобидан шакллантирган молиявий ресурслари манбаси мавжуд эмаслиги, тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишда уларнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан шакллантирилган молиявий маблағлари, биринчидан, узок муддатли ва барқарор, иккинчидан, банкнинг арзон молиявий ресурслари ҳисобланиб, унинг молия бозорида имижини оширишга хизмат қилади.

Кредитлаш банк амалиётининг асосий турларидан бири бўлиб, банк фаолияти даромадлилиги ва барқарорлигини таъминлашда молиявий инжиниринг концепцияси асосида “Таваккалчилик-даромадлилик” дилеммасидан фойдаланиш асосида банкнинг 2018 йилдаги кредит портфелини диверсификациялаш сиёсати натижасида тармоқлар кесимида битта соҳага берилган кредитлар миқдори 28 %дан ошиб кетмаслигига эришилган.

Тижорат банки молиявий инжиниринг концепцияси маҳсулоти “Мижозларни содиқлиги” модели асосида мижозларни банкка кенг жалб этиш орқали, 2018 йил якунига кўра мижозлар сони 382202 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 12 %га ошишига эришилган. Молиявий инжиниринг концепцияси асосида яратилган инновация маҳсулоти “Банк маҳсулотларини рақамлаштириш” орқали масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали банкнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2018 йилда 5882 та юридик шахсни ташкил қилди. Бу ўтган йилга нисбатан 938 тага ёки 19 %га кўп бўлишига эришилган. Банкнинг чакана бозордаги фаолиятини ривожлантиришда юқори технологик “Кобейдж карта”сидан фойдаланиш орқали Ўзбекистонда биринчи UnionPay International кобейдж карталарининг миллий валютадаги эмиссиясини амалга оширди.

¹¹ Избосаров Б.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. – Тошкент, 2019. 2-сон. март - апрель, 2019. 8-12 б.

2018 йил охирига келиб, банк томонидан қарийб 26 000 та кобейдж карта чиқарилган ёки эмиссия қилинган жами карталар сонининг 9,4 %ини ташкил қилди. Кобейдж карта орқали қилинган айланмалар қарийб 7,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Банкни қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжиниринг концепцияси маҳсулоти “янги ғоя – янги маҳсулот – янги хизмат” тизимини жорий этиш орқали банкнинг қимматли қоғозлар бозорида бирламчи акцияларини жойлаштириш мақсадида 2018 йилда 7305657 та оддий акция муомалага чиқарилиб, устав капитал ҳажми 884 млрд. сўмга кўпайишга олиб келган¹².

Фонд биржасида тижорат банкларининг брокерлик ўрни биржанинг муҳим қисми ҳисобланиб, у ўз эгасига биржа битимларини тузиш ва биржа фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Брокерлик фаолиятини ривожлантириш фонд бозорида савдо ҳажмининг ўсишига, инвесторларни кўплаб жалб этиш имконини оширади. Шунинг учун бугунги кунда ривожланган давлатларда брокерлик соҳасини ривожлантириш масалаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда молиявий инжиниринг концепцияси асосида брокерлик соҳасига янги инновацион технологияларни олиб кириш асосида унинг фаолиятини ривожлантириш ривожланиб келаётган давлатларда муҳим соҳалардан бири сифатида ўрганилмоқда.

Брокерлик соҳасининг янги инновацион-брокер тизими жорий этиш асосида янги хизматлар таклиф этилмоқда. Жумладан, таҳлиллар натижасига таянилса, ривожланган давлатлар АҚШда брокерлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ягона концепция ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳада фаолият юритаётган барча компанияларни ягона тамойиллар асосида бирлаштирган. Бозордаги структуранинг ўзгартирилиши ҳамда инновацияни қўллаш натижасида янги брокерлик хизматлари юзага келган. Жумладан, оддий брокерлик хизматини кўрсатиб келган компаниялар янги классик-брокерлик (full service broker) хизматини таклиф этган.

Ривожланган давлатлар фонд бозори таҳлил қилинса, АҚШ фонд бозорини асосий профессионал иштирокчилари брокер-дилерлик фирмалари (security brokers and dealers) ва портфелни бошқарувчилар (portfolio managers) ҳисобланади. Бозор иштирокчилари сони ҳар йили ўзгариб туради. Уларнинг ўзаро қўшилиши шундай ҳолатни юзага келишига асос бўлади. Жумладан, уларнинг сони 1990 йилларда 8400 та бўлса, 2000 йилда 7260 та, 2005 йилда 6000 тани ҳамда 2018 йилда 5200 дан ортиқ бўлган¹³. АҚШ барча брокер-дилерлик фирмалари ягона дилерлик ассоциациясига бирлаштирилган (NASD).

Жаҳон амалиётида брокерлик хизматлари асосан 10 ёки ундан кўпроқ брокерлар хизматига тўғри келади. Жумладан, Россиянинг Москва биржасида энг яхши 10 та брокерлик компанияси бозорнинг 95 % актив мижозларига

¹² <https://aloqabank.uz/uploads/Verst005UZ.pdf>

¹³ <http://www.globfin.ru/articles/shares/usa.htm>

хизмат кўрсатади. Бундан ташқари 15 та брокерлик компанияси биржадаги айланма маблағнинг 90 %ига хизмат кўрсатади¹⁴.

Қўшни давлатларимиз Қозоғистон Республикаси KASE фонд биржасини 2018 йилдаги кўрсаткичлари таҳлил қилинса, қимматли қоғозлар сотув ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 % ошган бўлиб, 4,9 трлн. тенгени ташкил этган. Акция ва корпоратив облигацияларнинг сотув ҳажми 2 баробарга ошган. KASE индекси 2018 йилда 7 % ошиб, 2 304,94 пунктга кўтарилган. 2018 йилда KASE қимматли қоғозларнинг 71 воситалари орқали 46 та эмитент иштирок этган бўлса, 2018 йилда янги 22 воситаларига 20 та эмитент листинг компаниялари киритилган. 2018 йилда KASE эмитентларнинг умумий сони 2017 йилда 113 та бўлган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 130 тани ташкил этган.

2-жадвал

Қозоғистон Республикаси фонд биржаси иштирокчилари турли кўрсаткичлардаги улуши, фоизда¹⁵

Кўрсаткичлар	Йиллар	Иккинчи даражали банклар	Брокер-дилерлар	Юридик шахслар	Бошқа институционал инвесторлар	Жисмоний шахслар
Акциялар бозоридаги улуши	2017	2	28	3	4	63
	2018	1	23	16	7	53
Қимматли қоғозлар иккиламчи бозоридаги улуши	2017	51	5	7	37	0
	2018	64	2	16	18	0
Корпоратив облигациялар иккиламчи бозоридаги улуши	2017	7	13	44	33	3
	2018	34	12	52	8	0

Жадвалга эътибор қаратилса, акциялар бозоридаги иштироки брокер-дилерлар 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 5 % камайган. Аммо бошқа иштирокчиларга нисбатан иккинчи ўринни эгаллаган. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозоридаги улуши бўйича мос равишда 5 ва 2 фоизни ташкил этиб, қолган иштирокчиларга нисбатан анча паст кўрсаткичга эга бўлган. Худди шундай ҳолат корпоратив облигациялар иккиламчи бозорида ҳам юзага келган. Бу ерда уларнинг улуши мос равишда 13 ва 12 %ни ташкил этган.

Бирламчи бозорда иштирокчиларнинг улуши банклар улуши 1,0 %ни, брокер-дилерлар 0,1 %ни ташкил қилган бўлса, қолган институционал инвесторлар 85,5 %ни, юридик шахслар улуши 13 %ни ташкил этган. Иккиламчи бозордаги иштироки бўйича банклар 63,3 %, брокер-дилерлар 2,0 %, институциональ инвесторлар 17,9 %, юридик шахслар 15,5 % ҳамда

¹⁴ <https://vc.ru/finance/86808-reyting-brokerov-luchshie-brokery-v-rossii-2019-goda-bolshoe-issledovanie>

¹⁵ <https://report2018.moex.com/ru/20/10/>

жисмоний шахслар 0,3 % ни ташкил этган. Акциялар сотувида иккиламчи бозордаги иштироки бўйича жисмоний шахслар 53,3 %, банклар 1,1 %, брокер-дилерлар 22,6 %, институционал инвесторлар 7,3 %, юридик шахслар 15,7 % ҳамда норезидентлар 10,4 %ни ташкил этган.

Юқоридаги таҳлилларга эътибор қаратилса, Қозоғистон Республикасида ҳам брокер-дилерлик компанияларининг бозордаги улуши паст бўлган.

Молия бозорида молиявий инжинирингнинг энг кўп маҳсулоти инновациялар ҳисобланади. Ҳар қандай соҳада янги инновацион ғояларнинг киритилиши унинг ривожланиши учун муҳим манба ҳисобланади. Ҳозирги кунда инновацион ғояларни яратиш учун сарфланувчи харажатлар кўлами ортиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилдан 2015 йилга ўзгариши 54 % дан 59 %гача ўзгарган. 2020 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 63 %га чиқиши прогноз қилинмоқда. Яратилган инновацион ғоялардан келиб тушган тушумлар миқдори 2016 йилга нисбатан 2017 йилга 2,5 %га камайган бўлса, 2018 йилда ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 11,4 %ни ташкил этган. 2018 йилда тақдим этилган инновацион ғоялардан келиб тушган тушум ошганини кузатиш мумкин¹⁶.

3-жадвал

Жаҳонда тармоқлар бўйича инновацион ғоя ва илмий тадқиқотларга сарфланаётган харажатлар миқдори, млрд. АҚШ доллари¹⁷

№	Тармоқлар	Йиллар						
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Соғлиқни сақлаш	115	119	120	140	155	177	178
2.	Компьютер ва электроника	142	148	163	162	174	175	176
3.	Дастур таъминоти ва интернет	37	75	75	86	121	141	151
4.	Автосаноат	105	109	105	109	125	130	136
5.	Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари	69	75	73	71	83	86	90

Сарфланган харажатлари бўйича таҳлил қилинса, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда ўзгариш 11,4 %ни ташкил этган. Бундан кузатиш мумкинки, 1000 та энг йирик компаниялар инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йилдан-йилга харажатларини ошириб бормоқда. Сарфланган харажатларни йиллар бўйича таҳлил қилинса, бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар миқдори прогноз кўрсаткичлари бўйича 2019-2020 йилларга бориб, мос равишда 177, 178 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

¹⁶ <https://www.strategyand.pwc.com/gx/en/innovation1000/2018-global-innovation-1000-fact-pack.pdf>

¹⁷ <https://www.strategyand.pwc.com/gx/en/innovation1000/2018-global-innovation-1000-fact-pack.pdf>

Юқори ўсишни дастур таъминоти ва интернет тармоғида ҳам кузатиш мумкин. Экспертлар прогнозига кўра, айнан ушбу тармоқда ҳам яратилаётган инновацион ғояларга кейинги йилларда жуда кўп маблағ сарфланмоқда.

Европа давлатларида ўсиш 2017 йилга нисбатан 2018 йилга 14 %, Япония давлатида 9,3 %, Хитой давлатида 34,4 % ва бошқа давлатларда ўсиш 8,6 %га тенг бўлган. Яратилаётган инновацион ғояларнинг банк соҳасидаги улуши 25 %га ҳам етмайди. Шунинг учун бу соҳани ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар кўлами бўйича бошқа соҳаларга нисбатан кам ҳисобланади. Айнан яратилаётган тадқиқотларнинг банк тизимида тегишли соҳасини шубҳасиз дастурий таъминот ва интернет ташкил этади. 2018 йилда банк соҳасига яратилган энг янги ғоя ва маҳсулотларнинг 10 таси шу соҳа билан боғланган. Жумладан, Туркиядаги DenizBank 2018 йил якунига кўра, “Энг янги маҳсулот ёки хизмат” бўйича “Тўлдирилган қишлоқ хўжалик банки” ғояси учун тақдирланган. Мазкур хизматнинг қулайлиги банк томонидан фермерларга барча қулайликлар яратиш орқали масофадан туриб барча операция ва хизматларни вақт йўқотмасдан рақамли мобель алоқалари орқали амалга ошириш имконини беради.

Польшадаги Idea Bank томонидан “Idea Hub Express” хизмати ёки маҳсулоти тақдим этилган. Бу хизматни амалга ошириш учун банк ходимлари махсус вагонларни банкнинг барча ишлаш тизими билан безатадилар. Ушбу вагонга чиққанлар барчаси банкнинг инновацион ғояларига иштирок этиш орқали ўз фикрларини билдириш билан бирга бизнес учун шароит яратиш ёки очиш имкониятларига эга бўладилар. Бу ерда ҳам барча амалга оширилувчи лойиҳалар интернет, дастурий таъминот орқали банк операцияларига масофадан боғланиш орқали амалга оширилган.

Худди шундай хизматлар қаторида Россиянинг энг йирик банки Сбербанк томонидан таклиф этилган “Советы” ва “Sberbank Online” келтириб ўтиш мумкин. Маслаҳатлар рақамли ёрдамчилар Siri томонидан, молиявий хизматлар Mint дастурий таъминотлар орқали етказилган. Бельгиянинг KBC Bank (Бельгия) банки таклиф этган «My car», хизмати блокчейн технологияси орқали масофадан вақтдан унумли фойдаланиш орқали амалга оширилади. Польшанинг mBank (Польша) банки томонидан «mPower Business Starter» хизмати таклиф этилиб, бунда давлат, банк ва бухгалтерлик хизматлари бирлаштирилиб, янги бизнес-мижозлар учун 10 кунда амалга оширилувчи ишларни 10 дақиқада амалга ошириш имкониятини яратади. Италиянинг Intesa Sanpaolo (Италия) банки томонидан Netflix компанияси билан ҳамкорликда ходимларни рақамли портал орқали ўқитиш тизими асосида малакасини ошириш ёки доимий равишда билимини ошириб бориш таклиф этилган. Буюк Британиянинг Barclaycard банки томонидан «Grab + Go» хизмати чўнтак кассаси бўлиб, харидор сотиб оладиган маҳсулотини сканер қилиб сотувчига жўнатади. Харидор маҳсулотни олиб, дўкондан пул тўлаш учун навбатга турмай чиқиб кетаверади.

Сингапурдаги DBS Bank (Сингапур) банкида мини-серию DBS Sparks мижозларнинг ҳозирги тарихини кўрсатиб берувчи мини-сервис хизмати

мавжуд. Бунда ҳам маркетинг фаолияти рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Германиянинг N26 (Германия) банки томонидан тақдим этилган Challenger инновацион маҳсулоти. Испаниянинг BBVA (Испания) API-платформа BBVA API Market маҳсулотлари. BBVA API Market маҳсулоти орқали банк мижозларига янги банк хизматларини кўрсатиш ва қўшимча қулайликлар яратишда муҳим ўрин эгаллайди. API-интерфейс хизмати тўловларни текшириш ва башқаришда ҳамда бошқа кўплаб қулайликлар яратишда муҳим аҳамиятга эга. Accenture Distribution and Marketing Services директори Пьер Карло Гера ҳозирги ўзгаришлар, яратилаётган инновацион ғояларни банк соҳасида қўллаш бўйича ўз фикрини билдириб: “...банклар томонидан рақамли технологиялар асосида яратилаётган ёки тақдим этилаётган инновацияларнинг барчаси банк мижозларига қулайликлар яратишга – банкларга бозорда ўз улушига эга бўлиш – даромадини ошириш асосида мижозлар ишончини оқлаш ҳамда харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда рақобатнинг кучайиб бориши натижасида рақамли технологиялар асосида бозорга кириб бориш, мижозлар ишончини оқлаш қийин кечмоқда. Шунинг учун инновация чегара билмас муҳим тушунчадир” деб таъкидлайди¹⁸.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, молиявий инжиниринг маҳсулотлари асосида банк тизимини рвиожлантириш муҳим омиллардан саналади. Республикамиз банк тизимида ҳам кейинги йилларда шундай маҳсулотлардан фойдаланиш тизими кенг қўлланила бошлади. Жумладан, республикамиз йирик банкларидан бири “Ўзсаноатқурилишбанк” да қўлланилаётган янги технологиялар билан танишиб чиқамиз. Банкда корпоратив сайт ва «UzPSB Mobile» иловаси тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Жисмоний шахслар учун янги он-лайн конверсия, микроқарз каби хизматлари жорий этилди. ИАБТ дастурий мажмуида мижозларга ҳисоб варақларни узлуксиз бошқариш имконини берувчи «24/7» иш тартиби жорий этилиши асосий янгиликлардан бири бўлди.

Мазкур жиҳат Банк, ўз навбатида, мижозларнинг кучли рақобатбардош устунлиги сифатида хизмат қилади. “Банк мижоз”, “SMS-банкнинг” ва “Интернет-банкнинг” хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига юридик шахслар учун “Интернетбанкнинг” дастурий мажмуасининг web-шаклидан фойдаланувчилар сони 7741 тани, mobile-шаклидан фойдаланувчилар сони 3735 тани ташкил қилди. “Мобил банкнинг” дастуридан 55 626 та, “Интернет банкнинг” тизимидан 66 924 та жисмоний шахслар фойдаланмоқда. “SMS-банкнинг” хизматларидан 6766 та юридик ва 83 179 та жисмоний шахслар фойдаланмоқда, масофадан бошқариш тизимидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 223 971 тани ташкил қилди. Банк томонидан хизматлар сифатига талабнинг тобора ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, мижозларга чакана хизматларнинг тезкор ва сифатли тақдим этилишини таъминловчи замонавий инновацион ғоялар,

¹⁸ <https://thefinancialbrand.com/68377/best-innovations-retail-banking-digital-trends/2/>

ишланма ва технологияларни қўллаган ҳолда пластик карталарни чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича ўз IT-инфратузилмасини модернизация қилиш бошланган¹⁹.

Молия бозоридаги туб ўзгаришлар натижасида мижозлар молия институтларидан янги бизнес-моделлар ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Банклар томонидан тақдим этилувчи барча турдаги бизнес-моделлар банк мижозларига тўлиқ қулайлик яратиши, маблағларни тежаш имкониятини, сифатли хизмат кўрсатиши ҳамда бозорда юқори имижга эга бўлиши зарур. Банклар томонидан умумийликдан бошқа платформа ёки янги модель “лойихалаштириш-ишлаб чиқариш-тақсимлаш” орқали экотизимли бозорни тўлиқ назоратга олади. Бу эса банк мижозларини ҳам бозорни назорат қилиш имконини беради. Банкларнинг экотизимли моделни тўғри ташкил этиши бу ҳар қандай бозордаги таклифларни амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш калити ҳисобланади.

